

Бобур ТУРДИЕВ

ҚИЗГАЛДОГИМ,
ҚАЙДАСАН
Шеърлар

МАЖБУРЫ НУСХА

Қарши
«Насаф» нашриёти
2013

84(59)7- ғуб. араб

УУК Ўз. 2

КБК 84(5Ўзб)-3

Т 89

Сўз сеҳрига бўлган меҳр киши қалбини туйгулар оламининг турфа манзилларига етаклаб, кўнгил кечинмаларини, табиат сеҳри ва юрт мадҳини сўзга сингдиришга ундаиди.


Бобур Турдиевнинг ижод намуналари ҳам шу туйгулар замирида вужудга келган.

Бобурнинг ушбу интилиши келажакда ўз самарасини беради, деб ишонамиз.

1041936
0

Т 4702620202-73 73-2013 © Б. Турдиев, 2013 йил.
376(08)2013

© “Насаф” нашриёти, 2013 йил.



ТОНГ

Барваңт уйғониб құшлар,
Тонгни кутиб олади.
Саңар уйғонинг дүстлар,
Ризқингиз мұл бұлади.
Сувлар сепиб ҳовлига,
Саришталик севғанлар.
Ажиб ҳислар қалбида,
Тонг хислатин билғанлар.
Барчага кони фойда,
Эрталабки ҳаракат.
Соғ тан, соғлик жойида,
Ёғилгайдир баракат.
Оз бұлсада бу қиссам,
Ҳар кимга ибрат, сабоқ.
Шоят мазмұнли бұлсанг,
Тонг, таърифинг беадоқ.

КУЗ

Юрга қуёш жилмайиб,
Ҳарорат ҳам пасайиб,
Сувга талаб сусайиб,
Юртимизга куз келди.
Жами жонзот ўрмалар,
Айтар құшиқ турналар.
Күзлаб иссиқ ўлкалар,
Юртимизга куз келди.
Қишлоғамини ер барча,
Йигим терим дер барча.
Ғайратлидир, шер барча,
Юртимизга куз келди.
Мевалар обдон пишиб,
Далада мезон учеб.
Жүяга хазон тушиб,
Юртимизга куз келди.
Шамол елиб сийпалар,
Алла айтиб эркалар.
Хаси кеттган тепалар,
Юртимизга куз келди.

ГУНОҲКОР БАНДА

Тарихи ажабтовур,
Инсонийлик хислати.
Шайтонга тегиб давр,
Қоралайди қисматим.
Гуноҳим кўп, гуноҳим,
Ўзинг кечир, Оллоҳим.
Ялло таралло қилдим,
Тавбага топмай имкон.
Тўрт кунлик дунё билдим,
Faflatда заиф иймон.
Гуноҳим кўп, гуноҳим,
Ўзинг кечир, Оллоҳим.
Сабаблар кўп сўроқлар,
Оллоҳ, бергин ҳидоят.
Тўкиласин деб гуноҳлар,
Тавба қилсам ниҳоят
Гуноҳим кўп, гуноҳим,
Ўзинг кечир, Оллоҳим.
Найранглари хилма-хил,
Хушёр шайтон бузгунчи.
Оллоҳ, ўзинг раҳм қил,
Биз бандалар ўткинчи.
Гуноҳим кўп, гуноҳим,
Ўзинг кечир, Оллоҳим.

БАРЧАСИ ҮТАР

Сұнгги дам хатосин англатиб,
Гафлатдан қалбини уйғотиб.
Савоб-у гуноҳин эслатиб,
Умр үтар, кимлар үтади.
Гулми, тикан бир зайл қучиб,
Ғам, шодликка елкасин тутиб.
Ҳар коринда үзидан кечиб,
Жонингга жон, жонлар үтади.
Холис соғдил гайрати жұшиб,
Оғир юқда довондан ошиб.
Меҳри дарё жилгалар очиб,
Тұлиб-тошиб лимлар үтади.
Хилма-хил сифати, хислати,
Синов ҳаёт, эгик жуссаси.
Ранг-барангдир умр қиссаси,
Үтар барча, минглар үтади.

ЧОРВА АҲЛИГА

Қўйлар боқиб ҳормаган,
Ой тўлиб ойдинда ҳам.
Сабри устун ҳар недан,
Гоҳ тим қора тунда ҳам.
Қор-ёмғирда гайратли,
Излаб топар имконлар,
Фидокордир ҳайратли.
Тиниб тинмас чўпонлар,
Фасли баҳор келганда,
Тўл мавсуми бошланар.
Кўпаяди бу дамда,
Огайнию ошналар.
Баъзиларга жумбоқдир,
Қандай кечар яшаши.
Қуй-қўзилар дўмбоқдир,
Гушт аримас косаси.
Дарак солмайди улар,
Қаҳратон аёзда ҳам.
Ҳолинг не демас улар,
Жазира маёзда ҳам.
Камнамо улфат-дўст, ёр,
Чақчақлашиб хуш вақти.
Маслаҳаттўй жонкуяр,
Қайдада эдинг қиши вақти.
Ҳорманг энди, чўпонлар,
Чорва тилин биласиз.
Борми айтинг не камлар,
Сизлар қачон тинасиз?
Матонатли ҳар онда,
Қадри юксак қадрсиз.

Раҳмат сизга, тасанно,
Мукофотта арзирсиз.
Чорва аҳли, сизларга,
Доим омад ёр бўлсин.
Юзлашинг сиз юзларга,
Оллоҳ мададкор бўлсин.

ПАХТА МАВСУМИ

Пахталар оппоқ, лўппи,
Теримчилар шошади.
Улар жуда ҳам кўпки,
Режа тўлиб тошади.

Теримчилар гайратда,
Саксон кило теради.
Сахий фермер ҳайратда,
Пулини нақд беради.

Қордек юксак хирмонсан,
Адо этсак бурчимиз.
Барчага бирдек шонсан,
Гуллаб, яшнар юртимиз.

БИЗДАН НЕ ҚОЛАР

Бу дунё гала-ғовур,
Югурганлар толади.
Барчадан ўтар давр,
Бизлардан не қолади?
Ночорларга узат құл,
Ҳар сония ҳар вақтда.
Ибрат олиб ўрнак бўл,
Инсоний бурчинг оқла.
Бўлар жоним кўп пора,
Сендан қолар яхши от.
Барча корига яра,
Йигган дунёнг сенга ёт.
Қувлади қанча мардлар,
Ҳоли шудир имконсиз.
Дунё товланиб алдар,
Келиб кетар меҳмонмиз.

МУХЛИСЛАР

Олқишлоардан чиниқдим мен,
Мухлислардан қониқдим мен.
Борингизга минг шукрлар,
Барчасига күниқдим мен.
Қалбингизда жойим менинг,
Гулга тұлди пойим менинг.
Машхұр бұл деб тутмагандир,
Айборми ойим менинг.
Корингизга ярап бұлсам,
Раъйингизга қарап бұлсам.
Үйнаб кулиб, ғамгин, шодон,
Ёнингизда ҳар дам бұлсам.
Құздан асрар қалқонимсиз,
Бахту нақдим ҳар онимсиз.
Сизга таъзим мухлисларим,
Сиз меҳрибон халқ, шонимсиз.
Халқ үзингиз баҳтим менинг,
Несин айтай нақдим менинг.
Сизлар борсиз дадил бардам,
Доим олға шахтим менинг.

ТҮЙ ТИЛАГИ

Янграганда шұх күй, садолар,
Түй түйларга улашиб кетсин.
Яхши тилак яхши дуолар,
Ҳар ким ўз муродига етсин.
Бир қафасға икки құш солиб,
Ажойиб жуфтлик баҳт учун.
Овчи тақдир ҳамиша ғолиб,
Икки ёрти бүлдилар бутун.
Тилакларға құшимча тилак,
Икки жилға құшилиб оқсин.
Катта йұлға құшилиб йұлак,
Икки ёшға баҳт кулиб боқсин.

ҚИЗЛАРГА

Палахмоннинг нишони,
Висол экан азалдан.
Қизга қизиқ ўшами,
Кимлар кимга аталган.
Огир енгил тошлар кўп,
Палахмонда отилар.
Гўзал қизлар тала тўп,
Бирин кетин сотилар.
Сабр қилинг, қизларжон.
Сизлар меҳмон, кетарсиз,
Ўтари йўқ сизлардан,
Оқ либосга етарсиз.

СЕВГИ ОЗОРИ

Бойлар бойга боқдилар,
Сувлар сойга оқдилар.
Ошиқ гариф қалбини,
Хасрат ўти ёқдилар.
Бахтинг кулди қоракўз,
Тўйинг бўлди қоракўз.
Дарди ичида қолган,
Биз бечора чорасиз.
Гулни узган ким эди,
Билар ҳамма жим эди.
Оҳлар чекиб ошиқлар,
Бир сўз демас, гунг эди.
Севдим беозор бўлиб,
Севгим бетакрор бўлиб.
Айттолмайин армонда,

Севдим дил абгор бұлиб.
Дил изҳорим дилга чўк,
Афсусдан ҳеч фойда йўқ.
Ичимдаги галаён ,
Тош бўл энди, кўлга чўк.

КЕЛИН ШАЪНИГА

Шўх куй-қўшиқ янграп.
Бизни шодликка чорлар.
Кўзлар қувончдан порлар,
Бугун сенинг тўйингдир.
Бўлмоқда сенинг тўйинг,
Доим бўлсин вақтинг чоғ.
Ганимат ота уйинг,
Ёр уйида баҳтинг топ.
Намланмасин нигоҳинг,
Энди олиб кетарлар.
Йўқдир сенинг гуноҳинг,
Баҳт уйига элтарлар.
Тинчлик бермас бир нидо,
Видолашмоқ қийиндир.
Отанг берар оқ дуо,
Бугун сенинг тўйингдир.
Оқ либос очиб чирой,
Кўз қувнатар бу ҳолат.
Бунча гўзал келиной,
Кулиб боқсин баҳт, омад.

ЙИГИТЛАРГА

Кўчаси кенг дашти бор,
Ўйнаб қулганинг қолар.
Бўйдоқликнинг гашти бор,
Уйланиш бир гап бўлар.
Чўгдек оташ ҳовуринг,
Ўйнаб қулгин, кам бўлма.
Ўтар, қайтмас бу давринг,
Афсус чекиб ғам ема.
Маслаҳатим асқотар,
Қизлар билан қуюқ бўл.
Кундан кун ҳавас ортар,
Севгида сен буюк бўл.
Елиб югур, толмагин,
Сенсиз ўтмасин тўйлар.
Ҳофиз севгидан куйлар,
Сен армонда қолмагин.

ДИЛ СҮЗИ

Барглар ерга ёпишар,
Адо бўлмоқда куз ҳам.
Севишганлар топишар,
Висолга етинг сиз ҳам.
Доим омади кулсин,
Дугонангиз Лобарнинг.
Сизга баҳт олиб келсин,
Кутиб яшанг баҳорни.
Гўзаллар ягонаси,
Ҳеч тегмасин куз сизга.
Келиннинг дугонаси,
Фурсат етди сўз сизга.

ҚИЗГАЛДОҚ

Қизил юзли қизгалдоқ,
Күз-күз қилма үзингни.
Шудрингдан тақиб мунчоқ,
Қамаштирма күзимни.

Маст бұлиб, мафтун бұлиб,
Дийдорингта түймасман.
Шом чоги шабнам бұлиб,
Алвон багрингда ётсам.

Қизгалдогим, куйинма,
Ачинаман ҳолингта.
Үйлар құшдинг үйимга,
Шеърлар битдим шаънингта.

Сенсиз қирлар файзи йүқ,
Қизгалдогим, қайдасан?
Озори күп, айби йүқ,
Дардинг кимга айтасан?

Бұтзингда қора қийик,
Бугар сени эркалаб.
Қасдли ел қовоқ уйиб,
Чокинг юлар битталаб.

Умринг қисқа, қизгалдоқ,
Дармон бұлай дардингта.
Чидай ахир мен қандоқ?
Йиглаяпман қадрингта.

СУЙМАГАНГА СУЙКАЛМАНГ

Қийнайди сизни ҳижрон,
Сизга ёр бўлиб армон.
Йигит умрингиз хазон,
Суймаганга суйкалманг.

Сизни ёмон куйдирап,
Жонингиздан тўйдирап.
Бевафо у беқарор
Суймаганга суйкалманг.

Дардингиз тогда вулқон,
Билмайсиз портлар қачон.
Нега қадрингиз арzon?
Суймаганга суйкалманг.

Дардни яна қўзгатар,
Илиб кетар ўзга ёр.
Бошидан ўттан билар,
Суймаганга суйкалманг.

ТОГЛИК КЕЛИН

Күзда оққан ёшгинам,
Жилга бұлди жилвали.
Эгилмаган бошгинам,
Этиб кетди у пари.

Сувлар оқар пишқириб,
Бурам-бурам йұллари.
Тог-у тошни хуш күриб,
Тегиб кетди у пари.

Баланд-баланд тоглара,
Жавоб беринг сұзимга.
Дилда қолди дөглара,
Садо қайтар үзимга.

Тог-у тошда ҳаётим.
Йүргимдир севгилим.
Тоглик йигит Фарҳоднинг,
Ширини бұл севгилим.

Кетди нетай яхши гул,
Ортига бир қайрилмай.
Бұлмаса ҳам яхши йұл,
Тупроқ йұлдан айрилмай.

ДҮСТЛИК РИШТАСИ

Хар корингга яраган,
Дүст учун дүст йиглайди.
Ола күзда қараган,
Душмандан дүст чиқмайди.

Икки күзим бир бириң,
Күра олмас не сабаб?
Душманим бор яшириң,
Билмоқ мушкул бу азоб.

Дүстим, сенга айтайин,
Жабрли жон, соф иймон.
Үлим ҳақдир бу тайин,
Дүст ким-у, кимдир душман.

Кимлар жони ҳалақда,
Үлим бир юк эзади.
Шу дам баъзи юракка,
Шодлик қандай сигади.

Бир қабрга ҳеч қачон
Икки киши сигмайди.
Дүст учун дүстдир армон,
Дүстлик асло үлмайди.

ҚОР СОГИНЧИ

Сенсан қишининг зийнати нақши,
Ўйноқлаб ёғ, парвозинг яхши.
Яхши ният, тилагим яхши,
Согиндик биз сени, оппоқ қор.

Изгирииннинг шаштин синдириб,
Ёғ ёмгирнинг рашкин келтириб.
Дараҳтларда қолсин ин чириб,
Согиндик биз сени, оппоқ қор.

Бизга ёқмас номаъқул одат,
Ўтса қуруқ янги йил наҳот.
Йилимиз бўлар қандай обод,
Согиндик биз сени, оппоқ қор!

Текислиг-у тошлоқ согинди,
Шаҳарлар-у қишлоқ согинди.
Она замин кўпроқ согинди
Согиндик биз сени, оппоқ қор!

Йўқ ёмгирда сендаги хислат,
Тинмай ёғгин, етдику фурсат.
Айни чогда ўзингни кўрсат,
Согиндик биз сени, оппоқ қор!

ҚОРБОБОГА ИЛТИМОС

Янги йил байрам куни,
Шодлик кулги юзида.
Бу дам қорбобо түни,
Ярашибди үзига.

Қарамас ўнг, сұлига,
Этаги ер супирар.
Узун ҳасса құлида.
Дукіллатиб ер урап.

Қопида бор үйинчоқ,
Ұқиймиз шеър-у газал.
Мафтункор күзи қувноқ,
Қор қизи бунча гүзал.

Гуноқкорман, қорбобо,
Ишқим тушди қорқызға.
Химматингиз бор бобо,
Ҳадя этинг зар бизга.

Кетсангиз гар мабодо,
Очиқ ойдин юз билан.
Хайрлашынг қорбобо,
Қорқыз қолсинг биз билан.

ЯНГИ ЙИЛ ТИЛАГИ

Арча қуриб уйимиз безаб,
Ташвишлардан роса толамиз.
Имкон қадар дастурхон тузаб,
Янги йилни кутиб оламиз.

Осмон узра сачраб ёгдулар,
Мушакбозлик бўлар бу кеча.
Бу тун завқли, ўйин, кулгилар,
Ёшлиар билан тўлар кенг кўча.

Барча куттан ажойиб оқшом,
Таассуротинг қалбларга таскин.
Оиласар бўлиб жамулжам,
Янги йилни яхши ўтказсин.

Омад олиб келгин, янги йил,
Гина, ғамлар мутлақо кетсин.
Хушвақт кутиб олсин тонгни эл,
Ҳар инсон муродига етсин.

СЕВГИ КУЙИ

Юрак зарби беүхшов,
Такрор-такрор бетүхтов.
Исминг айтиб тинмайди,
Қийнар бизни бу сұров.

Хушидан айро ҳушим,
Қаноти қайттан қушим.
Сизсиз үша, сиз ҳамон,
Үнгидан келмас тушим.

Сизни ҳижрон қийнаса,
Юрагингиз йигласа.
Наф бермагай минг афсус,
Үзга мендек сүймаса.

Ортта йүл йүқ, алвиdo,
Қалбға асиr бир ниdo.
Аччиқ ҳaёт синови,
Айбсиз айбдор ишқ фido.

Дардга даво вақт үтар,
Кечиб бўлмас нақд кетар.
Ёр-ёрлар ярашиб,
Кутилмаган баҳт кутар.

ТАНИШ КҮЧА

Үтди йиллар, күп үтди,
Үзгартмабсан, сен ўша.
Кечагидек сен худди,
Таниш күча, тор күча.

Шұх әдингда о ёшлиқ,
Гуноҳларим сенда күп.
Үтди кетди бебошлиқ,
Увол-савоб тала түп.

Таниш күча, тор күча,
Билиб күриб жим энди,
Сенга талпинар неча,
Келиб кеттан ким энди?

Севишиғанлар паноҳи,
Учрашувлар зумгина.
Бордир девор қулоги,
Кетди кимлар жимгина.

Таниш күча, минг узр,
Кеттан ўзимку қайтмас..
Күнглим, бұлма беҳузур,
Үтди ёшлигим, қайтмас.

БАХТИМСИЗ, ЖОН БЕГИМ

Дардингизга дард құшар,
Ишқ қийнаса тобора.
Шаддод, қайсар мен ўша,
Бұлдингизми овора?

Сизга ўзим ёр бұлай,
Жон бегим, бахтимсиз,
Сизсиз жоним не қилай?
Вафодорим, аҳдимсиз.

Бошим қотиб атайин,
Ноз қиласан сүйдириб.
Ой жамолим кун сайин,
Гаріб сизни күйдириб.

Согиниб чин юракдан,
Азизимсиз, ардогим.
Ташна ўзим, илҳақман,
Иzlар сизни қарогим.

Сизсиз тұнлар бедорман,
Сизсиз, бегим, нетарман?
Бахтимга бұлинг омон,
Танҳо сизни севарман!

ҮТМИШДАН ҚАТРА

Бобом, момом даврини,
Үйлаб үйга толаман.
Келди куйлай мавриди,
Куйлаб куйга соламан.

Келин бұлған бир замон,
Гүзал момом, гул момом.
Ҳикмати күп жон момом,
Бұлинг доим сиз омон.

Ұру қирдан ошишган,
Совчиларда хушхабар.
Чимилдиқда топишган,
Бир бирига ташналар.

Боболар бош-қош бұлиб,
Удумлари ярашган.
Қувончи тошиб тұлиб,
Оқ дуолар беришган.

Овулларда от миниб,
Жар чақирған жарчиси.
Аҳли элин шод қилиб,
Жонни куйлар бахшиси.

Замонига мос бұлиб,
Түйдай бұлған түйлари.
Шох улоги бош бұлиб,
Тұлов қалин құйлари.

Аҳли элин қардошлар,
Миллийлик шонимида.
Күпкарию курашлар,
Азалдан қонимида.

ЧАВАНДОЗ

Құнгир элим сен ори,
Құрқас жасур үглони.
Баракалла эй үглон,
Сенсиз үтмас күпкари.

Донги кеттан отингни,
Қамчиладинг отингни.
Ҳалол бұлди, бас, ҳалол,
Ҳалоллаб ол зотингни.

Отни минган эр үглон,
Ярашмас сенга гирром.
Олқишилардан ол мадад,
Үзингни күрсат шу он.

Түриқ отинг тез оби,
Ёриб чиқди тұдани.
Ҳалол бұлди, бас, ҳалол,
Олғир, әпчил үзади.

Эгарга соз ёпишар,
Тақимлашиб тортишар.
Эй чавандоз, зұр үзинг,
Сенга бұлсин олқишилар.

Құчқор, ҳұқызлар олган,
Рақиби дөгдә қолган.
Мард үзингсан майдонда,
Барча ҳайратда қолган.

Тұгриқ қашқанғ шұх илдам,
Чайир үзингсан бардам.
Мадхинг жүшиб күйлайман,
Оллоқ құлласин ұр дам.

ЙИГИТЛАР

Мард бұлғин, бұлғин ҳалол,
Камтар бұл, күрмә завол.
Чұтта урма үзингни,
Умрингни қилма увол.

Жұшқин жуда абжирсан,
Ердан күкка сағчирсан.
Мақтовларга учмагин,
Ифтихорсан, фахрсан.

Холва битар гүрадан,
Сабр қылсанғ күрасан.
Шошма йигит, шошмагин,
Бұлмагин ҳеч юртағон.

Малол келмасин терга什,
Тартибға тобе кенга什.
Одобли бұл, эй йигит,
Холис ниятта әргаш.

Дармон бұлай дардингта,
Довонлар күп олдингда.

Йигит пири құлласин,
Қулоқ солгин қалбингта.

Ёрут юзлар қувончи,
Элим бахти суянчи.
Эй йигитлар, йигитлар,
Она юртим таянчи.

ЎЗБЕГИМ ЙИГИТЛАРИ

Юрт учун, шу әл учун,
Корига яра ўглон.
Ўзбегим бағри бутун,
Борсизлар, сара ўглон.

Ҳар соҳада борсизлар,
Ўзбегим ўглонлари.
Ҳам қалқон ҳам орсизлар,
Мард, жасур полвонлари.

Ақли расо ўғиллар,
Олий мақсадлар күзлаб.
Зиё сочар юлдузлар,
Чарогон улар юзлаб.

Баландпарвоз бургутлар,
Давр талаби ёшлар.
Құрқмас, шунқор йигитлар,
Дадил қадамлар ташлар.

Чиниқиб машгулотда,
Ватаним фахрисизлар.
Қоқымас ҳеч ҳаётда,
Ўзбегим баҳтисизлар.

ДИЛ ИЗХОРИ

Билсанг ҳам билмагандек,
Нозигим, сен бепарво.
Ишқингда үзим гам еб,
Бұлдим дарди бедаво.

Бир сүз дегин қутулай,
Вужудимда хитобдан.
Сенсиз, жоним, не қилай?
Огриги йүқ бетобман.

Ой қувлашиб ой үтди,
Йилга етди чаманда.
Ҳусни ҳилол сен худди,
Үзинг танқо осмонда.

Ошиқларинг саноқсиз,
Ёқтирасан сен кимни?
Нечун севгим жавобсиз?
Рад этмагин севгимни.

Жунжикар жонимвой-ей,
Бүянмагин ҳар тусда,
Чиройлисан табиий,
Пардоз-андоз ортиқча.

Қалин қошга қилма қасад,
Юлсанг юқа бұлади.
Терилган қош ярашмас,
Билсанг, ҳамма кулади.

МУНДАРИЖА

Тонг.....	3
Куз.....	4
Гуноқкор банда.....	5
Барчаси ўтар.....	6
Чорва аҳлига.....	7
Пахта мавсуми.....	8
Биздан не қолар.....	9
Мухлислар.....	10
Тўй тилаги.....	11
Қизларга.....	12
Севги озори.....	12
Келин шаънига.....	13
Йигитларга.....	14
Дил сўзи.....	15
Қизғалдоқ.....	16
Сўймаганга суйкалма.....	17
Тоғлик келин.....	18
Дўстлик риштаси.....	19
Қор согинчи.....	20
Қорбобога илтимос.....	21
Янги йил тилаги.....	22
Севги куйи.....	23
Таниш кўча.....	24
Бахтимсиз, жон бегим.....	25
Ўтмишдан қатра.....	26
Чавондоз.....	27
Йигитлар.....	28
Ўзбегим йигитлари.....	29
Дил изҳори.....	30

1800 сүм.

АДАБИЙ-БАДИЙ НАШР

Бобур ТУРДИЕВ

ҚИЗГАЛДОГИМ, ҚАЙДАСАН

Шеърлар

Муҳаррир: Ю. Зиёдов.

Техник муҳаррир: Ч. Раҳмонов.

Мусаҳҳих: Ю. Зиёдов.

Саҳифаловчи: К. Темирова.

Нашриёт лицензия № АI 139, 27.04.2009 йил.
Теришга 06.08. 2013 йилда берилди. Босишга
29.08.2013 йилда рухсат этилди. Бичими 84x108_{1/32}.
Офсет қофози. Baltica TAD гарнитураси. Офсет
усулда чоп этилди. Шартли босма табоги 1,68. Нашр
босма табоги 0,86. 90-2013-шартнома. 62-бујортма. 250
нусхада. 32 бет. Эркин нарҳда.

«Насаф» нашриёти, 180118, Қарши шаҳри,
Мустақиллик шоҳкӯчаси, 22-уй.

«Қаршиполиграфнашр» МЧЖда чоп этилди.
180118, Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳкӯчаси,
22-уй.